

Алижон РАВШАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси ўқитувчиси

ИСЛОМ МОЛИЯСИДА КАФОЛАТ ХИЗМАТИ УЧУН ҲАҚ ОЛИШ МАСАЛАСИ

Масала юзасидан мавжуд фикрий қарашлар

Ҳозирги замонавий тижорат оламида кафолат берувчи (молиявий муассаса, банк ва ҳоказо) қарздор фойдасига одатда бепул кафолат хизматини кўрсатмайди, бу хизматига ҳақ талаб қилади. Мумтоз фикр китобларининг деярли барчасида кафолат ихтиёрий амал эканлиги ва бу хизмат эвазига ҳақ олинмаслиги айтилган¹. Кафолат берувчи энг кўпи билан ҳужжатбозлик ишлари учун кетган харажатларни қоплаш учун ҳақ талаб қилиши мумкин, аммо кафолат хизматининг ўзи ҳақ олинмайдиган амал ҳисобланади. Бу таъқиқнинг сабаби шундаки, бир киши иккинчи кишига қарз берса, берган қарзини фоиз билан қайтариб олиши жоиз эмас, чунки олинадиган фоиз рибо бўлади. Кафил, яъни кафолат берувчи эса бу таъқиқга кўпроқ дахлдор, чунки у қарзни бермасдан туриб ортиқча ҳақ талаб қилган бўлади. У фақат қарздор тўлай олмаган ҳолда, унинг номидан керакли тўловни тўлаб бериш кафолатини олади. Агар қарз берувчининг ўзи пул бериб туриб ҳақ ололмаса, қандай қилиб пул бермасдан, фақат кафолат хизмати кўрсатган кафил ҳақ ундириши мумкин?

Фараз қилинг, А томон Б томондан 10 минг сўм қарз олди. Б томон эса А томондан

кафил талаб қилди. С томон, яъни учинчи шахс, А томонга “Мен ҳозирнинг ўзида Б томонга 10 минг сўм қарзингни тўлайман, лекин сен менга кейинроқ 12 минг сўм қилиб қайтарасан”, деса, шубҳасиз, бу ортиқча 2 минг сўм фоиз ҳисобланади. Энди Д томон А томонга келиб “Мен сенга кафил бўламан. Аммо, бу хизматимга 2 минг сўм ҳақ тўлайсан”, деди. Агар биз бу кафилнинг ҳақ олишига рухсат берсак, С томоннинг қарзни дарҳол узиб берганига қарамасдан 2 минг сўм ҳақ ололмаслиги, Д томоннинг эса бор-йўғи кафил бўлиб тургани учун 2 минг сўм ҳақ олишлиги келиб чиқади. Бу нарсанинг адолатдан эмаслиги аниқ-равшандир. Юқоридаги С ва Д ларнинг иккаласига ҳам тенглик асосида муомала қилиниши учун мумтоз фақиҳлар кафолат хизмати учун ҳақ олишни ман қилишган.

Аммо, айрим замонавий уламолар муаммога бошқа назардан қарайдилар. Уларнинг фикрича, кафолат масаласи замон талабига айланиб қолди. Айниқса, сотувчи ҳам, харидор ҳам бир-бирини танимайдиган халқаро савдо ишларида маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг тўловларини бир пайтда амалга ошириш жуда мушкул. Ўртада тўловни кафилликка оладиган бир шахсга эҳтиёж туғилади. Бу ишларда бепул хизмат кўрсатадиган кафилларни топиш имконсиз даражада қийин иш. Реал воқеъликдан келиб чиқиб замонамизнинг айрим шарият уламолари ўзгача йўл тутишмоқда. Улар “кафолат учун олинадиган ҳақни ман қилиш Қуръони карим ёки ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидаги аниқ ҳужжатга асосланмаган. У рибонинг ман қилинишига қиёс қилинган ҳолда, рибонинг оқибати ёки рибонинг “ҳамроҳлари” сифатида чиқарилган ҳукмдир. Олдинги кафолатлар табиатан жуда оддий бўлган. Бугунги тижорат ишларида кафил батафсил изланишлар ва кўп ҳужжатбозлик ишларини олиб боради, шунинг учун, кафолат хизмати учун олинадиган ҳақнинг ман қилишда шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш керак, дейди улар. Бу масалани ҳали яна дақиқ ўрганиб чиқиб, уламолар йиғиладиган каттароқ форумда муҳокама қилиш керак. Аммо, шундай форум йиғилиб қатъий бир қарорга келмагунча, ислом молияси муассасаларининг кафолат хизматлари учун ҳақ олишлари ёки тўлашлари жоиз

¹ Sharifah A., Ibrahim U., Sawari M. A few methods in charging fees for kafalah bank guarantee among Islamic banks in Malaysia. International Journal of Islamic Finance, Vol. 6, 06/01/2014.

эмас. Улар кафолат бериш жараёнида кетган харажатларни коплаш учун маълум қадар тўлов олишлари ёки тўлашлари мумкин².

Юқорида зикр этилган фикхий назарларга қарамасдан, бугунги ислом банклари кўрсатган кафолат хизматлари учун миждозларидан тижорий асосда ҳақ олишмоқда. Бу хизматларнинг ҳукмини шариатга мувофиқлаштириш мақсадида ислом банки мижоз билан нафақат кафолат шартномаси асосида, балки кафолат шартномасига қўшимча равишда *вакала бил-истисмар* шартномаси³ асосида ҳамкорлик олиб боради. Мазкур *вакала бил-истисмар* шартномаси асосида чиқариладиган кафолат инструменти моҳияти, ишлаб тартиби билан танишишдан олдин анъанавий банк амалиётида қўлланиладиган айрим тушунчаларни ўрганиб чиқамиз.

Банк кафолати

Насияга мол сотган сотувчи ёки экспорт-импорт шартномаси бўйича хорижий ҳамкор мижоздан унинг қарз мажбуриятини кафолатлаб берадиган учинчи шахснинг кафил бўлишини талаб қилиши мумкин. Агар мижоз белгиланган вақтда тўлолмаса, сотувчи кафолат берувчидан кафолатланган пул миқдорини ундириб олади.

Банк амалиётида банклар кафолат бериш фаолияти билан шуғулланишади. *Банк кафолати* (Bank Guarantee, BG) – муайян муддатга белгиланган, қайтариб бўлмайдиган, бажарилиши шарт бўлган, банк мижозининг мажбуриятини кафолатлаш мақсадида ушбу мижоз билан олди-берди қилган учинчи томоннинг фойдасига чиқарилган мажбурият хати. Ушбу кафолат хатига мувофиқ, агар мижоз ўз мажбуриятини маълум сабабга кўра бажаролмаса, кафолат чиқарган банк мижоз ўрнига мажбуриятларини адо қилади (масалан, бошқа банк олдидаги қарзларини тўлайди)⁴. Банк кафолатидан ташқари аккредитив ҳам кафолат инструменти сифатида ишлатилади. *Аккредитив* (Letter of Credit, LC) – харидорнинг сотувчига тўлаши лозим бўлган тўловни белгиланган вақтда ва тўлиқ миқдорда амалга оширишни кафолатлаш мақсадида банк


томонидан чиқарилган хат. Агар харидор тўловни вақтида қилолмаса, аккредитив чиқарган банк тўловни амалга оширади⁵.

Банк кафолати талаб қилинадиган ҳолатлар (намуналар):

Мижоз тури	Кафолат тури
Қарздор	Банк ёки молия муассасасидан қарз олган мижознинг кредит рискин таъминловчи кафолат
Пудратчи ташкилот	Йирик қурилиш лойиҳаларида иштирок этувчи пудратчи ташкилотнинг тендер мажбуриятларини таъминловчи кафолат
Экспорт-импорт тижоратчиси	Тижоратчининг хорижий ҳамкорлар олдида тўлов қобилиятини кафолатлаш мақсадида чиқарилган кафолат

Энди банк кафолатининг амалиётда қўлланилиш схемаси ва тартиби билан танишамиз.

Банк кафолати ишлаш схемаси:



1. Мижоз насияга мол сотувчи билан олди-берди шартномасини имзолаб, маълум тўлов мажбуриятни зиммасига олади;

2. Мижоз ўзининг банкка мурожат қилиб, насияга мол сотувчи (бенефициар) фойдасига “Банк кафолати” инструменти чиқаришни сўрайди;

3. Банк мижознинг аризасига биноан кафолат инструменти, яъни “миждоз тўлолмаса, мажбуриятини бажараман” деган таъминотни чиқаради. Бу хизмат учун мижоздан **маълум ҳақ** ундирилади;

4. Агар мижоз дефолт қилиб қўйса, бенефициар кафолат чиқарган банкка мурожат қилади. Агар даъво барча келишилган

² Қаранг: М.Т.Усманий, An introduction to Islamic Finance, Maktaba Ma’arifur Qur’an Karachi, 2007, 129 б.

³ Инвестицияни бошқариш ваколати, яъни банк мижознинг вакили сифатида унинг банкка топширган инвестицияларини бошқаради (муаллиф).

⁴ www.investopedia.com

⁵ www.investopedia.com

шартларни топса, банк келишилган миқдорни тўлаб беради;

5. Агар дефолт ҳолати кузатилмаса, бенефициар кафолат муддати тугаши билан кафолатни мижозга қайтаради⁶.

Анъанавий банкларда кафолат хизматини кўрсатиш амалиёти кредитлаш фаолияти билан деярли бир хил равишда олиб борилади. Мижознинг кредит rischi тўлиқ ўрганилади, лойиҳанинг техник-иқтисодий жиҳатлари таҳлил қилинади, керакли битимлар ва шартномалар тузилади, етарлича гаров ё таъминот расмийлаштирилади. Кафолат инструменти чиқарилгандан сўнг кафолатланган пул миқдори банк активларидан ажратилиб, бошқа мақсадларга йўналтирилмасдан захирага олинади. Банк учун кафолат бериш хизмати риск нуқтаи назардан ҳам, ресурс таннархи нуқтаи назардан ҳам ўша миқдорда кредит бериш хизмати билан бир хил аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда, агар банк кредитлари ўртача ҳисобда йиллик 10 фоиз ставкасида берилаётган бўлса, кафолат хизматлари учун олинadиган хизмат ҳақи ҳам кафолатланган миқдорнинг йиллик ўн фоизи атрофида шакллантирилади. Кафолат хизматини тақдим қилиш учун банк томонидан қилинган реал харажат кафолатланган миқдорнинг бир фоизини ҳам ташкил қилмаслиги мумкин, аммо кафолат хизмати учун ундириладиган ҳақ молия бозордаги капиталнинг таннархидан келиб чиқиб ўрнатилади.

Вакала бил-истисмар

Юқорида биз кафолат хизмати учун олинadиган ҳақнинг миқдори бўйича ислом олимларининг тавсияси билан танишгандик. Уларга кўра, кафолат хизмати учун олинadиган ҳақ қилинган харажатлар миқдоридан ошмаслиги керак. Бундай чеклов ислом банкларининг кафолат хизмати билан шуғулланиш рағбатини сўндириши мумкинлигини ҳисобга олиб, ислом молияси мутахассислари кафолат хизматларини вакала бил-истисмар битими асосида амалга оширишни таклиф этишади⁷:



1. Мижоз банкка кафолат инструменти очиш учун мурожат қилади;

2. Кафолат шартномаси асосида банк кафолат инструменти очади;

3. Вакала бил-истисмар шартномаси асосида мижоз кафолат инструментининг маълум ҳиссасига тенг эквивалентда банкка сармоя қўяди;

4. Банк ваколат хизмати **учун ҳақ** олади;

5. Банк омонатга қўйилган сармояни ҳалол тижоратларга инвестиция қилади (инвестиция муддати = кафолат муддати);

6. Инвестициядан кўрилган фойда мижозга қайтарилади;

7. Банк инвестициядан чиқиб, тушган маблағни бенефициар даъвосини қисман қоплашга йўналтиради;

8. Даъвонинг қолган қисмини банк ўз ҳисобидан қоплайди;

9. Банк ўз ҳисобидан тўлаган миқдорни мижоздан талаб қилади;

10. Дефолт қилгани учун банк мижоздан кўрилган зарарни қоплаш мақсадида эваз ундиради (ислом молиясида таъвиз дейилади).

Хулоса қилиб айтсак, ислом банклари ҳам анъанавий банклар сингари кафолат хизматларини тижорий асосда йўлга қўйишлари мумкин ва бундан етарлича фойда кўришлари мумкин. Бунда ислом банкларининг асосий даромадини мижознинг сармоясини бошқаришдан оладиган ваколат хизмат ҳақи ташкил қилади. Ислам банклари кафолат хизмати учун ҳам маълум миқдорда хизмат ҳақи олишлари мумкин, аммо анъанавий банкларникидан фарқли ўлароқ бу ҳақ кафолат инструменти чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида олинadиган эваз тўлови бўлиши керак⁸.

⁶ www.wikipedia.org

⁷ Wan Noor F. Kafalah Bank Guarantee. IFE 735 Islamic Finance & Accounting: <https://www.slideshare.net/ZeeFaziha/kafalah-bank-guarantee>

⁸ Wan Noor F. Kafalah Bank Guarantee. IFE 735 Islamic Finance & Accounting: <https://www.slideshare.net/ZeeFaziha/kafalah-bank-guarantee>